

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 21 август, № 163 (4316)

Сешанба

## Навоий вилояти:



# ТУПРОФИ ЗАР, ЭЛИ БУНЁДКОР

Пойтахтимиз-  
дан Навоий  
вилоятига  
бормоқчи

бўсангиз, 500 километр  
масофани босиб ўтишингиз  
керак. У ердан вилоятнинг  
энг чекка худудига  
бориш учун эса  
яна 600 километр  
йўл юришга  
тўғри  
келади.

**Водийларини яёв кезганда...**

Ахир,  
Навоийнинг  
майdonи  
111 минг  
квадрат километр  
бўлиб, мамлакатимиз  
худудининг тўртдан бир  
қисмини ташкил этади.  
Бу нафақат вилоят  
худудининг катталигини,  
балки улкан саложиятга  
эгаллигини ҳам кўрсатади.



Воҳда саноат ва қишлоқ ҳўжалиги бирдек ривожланган. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, навоийликлар ҳаётида янги давр бошланди. 1992 йил 27 январда ушбу вилоятнинг маъмурий худуд сифатида қайта ташкил этилиши иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида муваффақиятларга туртки бўлди.

Бугунги кунда Навоийни саноатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ерда мамлакатимизнинг энг гигант корхоналари жойлашган. Биргина Навоий кон-металлургия комбинати нафақат республика-мизда, балки Марказий Осиёда энг йи-

риқ корхонадир. Ҳозирги кунда комбинатда 60 мингдан зиёд хизматчи иш билан банд эканлигининг ўзиёқ унинг қанчалик кен имкониятга эгаллигини кўрсатади. Олтин ишлаб чиқариш ҳамми бўйича эса бу комбинат дунёда етакчи ўрнлардан бирини эгаллаётди.

Навоийда шу каби 20дан зиёд йирик саноат корхонаси мавжуд бўлиб, улар томонидан ўтган йили 2 триллион 81 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бунда Навоий кон-металлургия комбинати билан бирга "Навоийазот" ишлаб чиқариш бир-

лашмаси, "Кизилқумцемент" ОАЖ, "Электромикс", Навоий ГРЭСнинг ҳам хиссаси катта. Бу муваффақиятларнинг банд омили илгор технологиялари жараёнлар, фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга ўз вақтида татбиқ этилаётганидир.

Вилоятни 2007 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш комплекс чоратadbirlари дастурини амалга ошириш мақсади билан маҳсулотлар ишлаб чиқариши йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда экспортбор ип-калавани ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Бахт-текстиль" қўшма корхонаси бар-

по этиди. У йилига 15 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қуввати-га эга. Сўнгги жиҳозлаш ишлари олиб борилаётган "Кизилқум мануфактура-си" қўшма корхонасида эса йилига 5 минг тонна пахта толасидан ип-газла-ма тўқилиши йўлга қўйилади. Яъни, вилоятда етиштирилаётган пахта тола-сининг 50 фоизи ушбу корхоналарда қайта ишланади. Мўҳими, қўлаб ёшлар иш билан таъминланади.

«Нихол» — 2007

Мамлакатимизда ҳар йили мустақиллик байрами муносабати билан турли кўрик-танловларни ўтказиш яхши анъанага айланди.



## ИҚТИДОРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Еш авлодчи миллий истиқлол гоёси руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, истеъдодли йигит-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Кељажақ овози», «Санбат ғўналарини», «Янги авлод» каби тadbirlар ўз самарасини кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

## ЎЗБЕКISTONDA БўЛИБ ўТган ХАЛҚАРО АНЖУМАН ХОРИЖИЙ ОАВ НИГОҳИДА


Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши муносабати билан юртимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларида ўзининг катта акс-садосини берди.

Анжуман иши кўнлари Яқин Шарқдаги «МЕНА» (Миср), РИА «Новости» ва «Интерфакс» (Россия), «Франс пресс» (Франция), «Анадолу» (Туркия) ахборот агентликлари, шунингдек, «Ал-Баён», «Ал-Иттиҳад» ва «Ал-Халиқ» (БАА), «Ал-Фиркан» ва «Ал-Аламия» (Кувейт) газеталари ва бошқа электрон ҳамда матбуот нашрларининг мухбирини воқеа жойидан ўзларининг тезкор хабарлари ва таҳлилий мақолаларини узатиб турди.

Жумладан, Миср ахборот агентлиги Ўзбекистон раҳбарининг қуйидаги сўзларини келтирди: «Буюк аждодларимизнинг кенг қўмусли билим, гоё ва фикрларини ўзида мўҳаммад эътибори, бугунги кунда ҳам илмий ва инсоний қадриятимизни йўқотмаган бой ва бебаҳо мероснинг ҳозирги ўта мураккаб ва таҳлилий замон олдимиизга қўяётган кўнгина ўткир, оғир масала ва муаммоларнинг ечимини топиш, динимизнинг асл маъно-моҳиятини холисона талқин ва тарғиб қилиш, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган еш авлодга тўғри йўл кўрсатишдаги ўрни ва аҳамияти беқубеъ, десақ ҳеч муболага бўлмайди».

## Мустақиллик — менинг тақдиримда!

Мен Мустақиллик байрамини ҳамиша интиқиб кутаман. Шу муқаддас кўнга бирор-бир соғва тайёрлагим келади. Қалбим гурур, шўқронлик туйғусига тўлади. Бошқача бўлиши ҳам мумкинми? Ахир, менинг ишдаги ютуқларим ҳам, маҳалла-қўйдаги обрў-эътиборим ҳам мустақиллигимиз тўғриси бўлди.



(Давлати 2-бетда).

## ЭЗГУ ИШЛАРДА ҲИССАМ БОРЛИГИДАН ҒУРУРЛАНАМАН

Ишни бундан 15 йил олдин қурилиш материаллари савдоси билан бошлаган эдим. Кейин иккита савдо дўкони қурдим. Дастлаб аҳолининг кичик эътиббллари учун қурилиш материаллари сотган бўлсам, кейинчалик йирик-йирик қурилиш ташкилотларининг буюртмасини бажаришга ўтдик. Даромадим ҳам, имкониятларим ҳам кўпайди. Ишлаб чиқариш ва савдо айланимимиз бир миллиард сўмга етди. Ҳозир масъулият чекланган жамият тўзиб, қурилиш ишларини амалга оширялдим. Қаршидаги вилоят оқонология диспансерида радиология марказини қурдик. Қосон туманининг Обидида қишлоғида

216 ўринли мактаб биносини фойдаланишга топширялдим. Бу бизнинг Мустақилликнинг 16 йиллигига соғваниз бўлди. Мен бир тadbirkор сифатида ўзимга яратиб берилган имкониятлар учун давлатимдан, халқимдан ҳамиша миннатдорман. Шунинг учун ҳам хайрия тadbirlаридан ҳеч қачон четда турмайман. Маҳаллани ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларга қўмаклашиш ишларига ҳам баҳоликдурат хисса қўшиб келаялман. Ўз маблагим ҳисобидан маҳалламизда болалар спорт мажмуи қурдим. Унда футбол стадионидан ташқари катта спорт зали ҳам бор. Ҳозир 300 дан ортиқ

бола бокс, каратэ, оғир атлетика, футбол секцияларида шугулланишяпти. Қураш зали, ол спортни майдони қуришни режалаштириб турибман. Тadbirkорлик соҳасидаги камтарона меҳнатимнинг қадрини ҳар қадамда кўриб турибман. Ташаббусларимни маҳаллоболларим, шаҳар, вилоят раҳбарлари қўллаб-қувватлашмоқда. Юртбошимизнинг Фармони билан ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида берилган «Шўҳрат» медалини фахр билан тақиб юряман. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми!

Ўткир ЭРКАЕВ,  
тadbirkор,  
Қашқадарё вилояти.

## Ҳашар — элга ярашар

Халқ ҳашарида ҳоразмликларнинг 745 минг нафари иштирок этди, 19 миллион сўмликка қўшилган. Дарахларга шакл берилиб, сув йўллари, йўл ва йўлакчалар тартибга келтирилди. Ҳашарчилар сай-ҳаракати тўғрисида саккиз мингга яқин қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш тadbirlари уюштирилди. Эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга саховатпеша инсонлар муруват ёрдамлари кўрсатди.

Ҳашар кўни ташкилотимиз атрофи тазаланиб, «Саховат-ў» МҲК томонидан амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари давом этди, — дея хабар қилди Зоминдаги А. Фозиллов номидаги Муруват уйи директори Нишонбой Фозиллов. — Шу кўни жиҳазлик тadbirkор Аҳмад Тошматов Муруват уйига 20 бош қўй соғва қўлди. Гуллар шўҳри бўлган Наманганда ҳам ҳашар чин маънодаги меҳнат байрамига айланб кетди. Тўрақўрғондаги Каттаонсарой педагогика ва сервис коллежи қурилиши тўғрисида, фойдаланишга топширилган бўлса, Наманган — Тўшбулоқ магис-

Икки кўн давом этган меҳнат байрами юзлаб оилаларга меҳр-муруват, оқибат оилаб юрди. Қўчалар обод бўлиб, янада кўркاملанди. Ана шундай гузал ва мафтункорлик касб этган мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида катта тўй олдидан ташкил этилган умумхалқ ҳашари юртдошларимиз кўнгилни ҳам қарғон қўлди.

М. ҚОЛМАТОВА.

## ҒОЛИБ ЕВРОПАГА БОРАДИ

Пойтахтимиздаги «Миллий санъат маркази»да «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкилланган «Bazar-Art 2007» кўргазма-ярмаркасининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур кўргазманинг ўзига хослиги шундаки, унда илк бор мамлакатимизнинг барча худудларидан келган 104 нафар маҳоратли уста ва ҳунармандлар ўз ижодлари намойиши билан пойтахтда учрашди. «Bazar-Art 2007» кўргазма-ярмаркасида халқ амалий санъатининг барча йўналишлари бўйича асарлар тақдим этилди. Танлов натижаларига қўра, «Анъанавий тўқимачилик ва миллий либос санъати» номинацияси марғилолик Нурмухаммад Валиевага, «Анъанавий қандкорлик санъати устаси» буюкорлик Шариф Остонаевага, «Ероч уймакорлиги санъати устаси» пойтахтлик Шукрулло Муродовага, «Зардулик санъати устаси» буюкорлик Робия Юнусовага, «Қўлоқчилик санъати устаси» андижонлик Мирзабахром Абдувахобовага, «Анъанавий каштачилик санъати устаси» шайхсабзлик Юлдузди Мамадйёровага, «Анъанавий замонавий шаклларида сақлашга қўшган хиссаси учун» номинацияси тошкентлик заргарлар Мўҳсин ва Бобур Давлаҳаммадовларга насиб этди. Бош муқофот — Францияда ўтказиладиган «Ипак йўли ва сайёҳлик» кўргазмасига йўлланма «Миниатюра ва инақошлик санъати устаси» номинацияси ғолиби Баҳоидир Йўлдошевга берилди. Тadbirlда «Офарин» ракс театри, Форум жамғармасининг «Янги авлод» фестивали ғолиблари ҳамда эстрада хонаидлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди. Оқонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Истеъодлар, бормисиз, омонмисиз?

# СўЗ ВА СОЗ СЕҲРИ

Мустақил дийримизнинг адабий харитасида «Элликқалъа», «Бўстон», «Ақчақўл» атамалари пайдо бўлганига ўн йилдан ошди. Бир томони виқорли тоғ, бир томони мовий кўл, бир томони гўзал саҳро оғушидаги жаннатга айланган бу нурили гўшада 16-18 август кўнлари тўртинчи бор Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти, «Камолот» Ешлар ижтимоий ҳаракати Республика Кенгаши ҳамда Элликқалъа тумани ҳокимлиги муассислигида ёш иждоқорларнинг «Ақчақўл илҳомлари» республика анжумани ўтказилди.

2000 йили бўлиб ўтган шerryнт байрами ва ўтган йилги «Хуррият наволари» адиблар анжуманини ҳисобга олсак, ортимиз иккида алий Элликқалъада олтинчи мартаба давра қурди.

«Ақчақўл илҳомлари» аслида танлов тарзида ўтказилса ҳам, биринчи навбатда, у ёш шоир ва адибларга бадиий маҳорат сирларидан сабоқ беришни мақсад қилган. Бу гал ҳам нақсдон қалам соҳиблари Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулло Орипов ва Ўттебергенов Қайибергенов, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид,

Ҳалима Худойбердиева, Маҳмуд Тоир, таниқли шоир ва адиблардан Ўткир Раҳмат, Аҳмаджон Мелибоёв, Улмамет Ҳўжаназаров, Эркин Аъзам, Ошиқ Эркин, Абилқосим Ўттебергенов, Туроб Мақсуд,

(Давлати 2-бетда).



БИР ПАККАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг биринчи ярмида Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган салкам

500

та «Йозу» русумли автобус республикамизнинг турли худудларига етказиб берилди.

Заводда япониялик ҳамкорлар иштирокида янги технологиялар ўрнатилгани, мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланилгани, ишчи-хизматчилар умуми ишлашлари учун етарли шароит яратиб берилгани тўғрисида шундай ижобий натижага эришилди.

(Давлати 2-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Ёшларга — истеъмол кредитлари

Косон шаҳридаги Сарипул маҳалласида истиқомат қилувчи Дилшод Муриев ётоқхона жамланмаси, рангли телевизор ва кондиционер олишни ният қилиб пул тўлаётган эди.

Унинг орауси барвақт амалга ошди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган имтиёз тўғрисида «Микрокредитбанк»дан 3 миллион 700 минг сўм миқдорда истеъмол кредити олди.

— Ушим фермер ҳўжалигида ишлайман. Даромадим яхши. Кредитни бир йилда узишим ҳам мумкин, рўзгорни барвақт тиклаб олганим фойдага қолади, — дейди ёш оила бошлиғи. Ёшларнинг истеъмол кредитлари қизиқиши катта. «Микрокредитбанк»нинг Қарши шаҳар бўлими томонидан июль ойида истеъмол кредитлари учун 69 миллион сўм маблағ ажратилди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Янгиликнинг шарофати

Янгилик туманидаги «Ғиштаъминоти» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг туман бўлимидан 60 минг АҚШ доллари миқдорда кредит олган эди. Ана шу маблағга Хитойдан замонавий ғишт ишлаб чиқариш линияси олиб келиб ўрнатилди. Корхона айни пайтда кунига 50 минг дона ғишт тайёрлаб чиқармоқда.

Бу туман қурувчиларининг ушбу қурилиш ашёсига бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондиришга қўйилди.

**О. РАҲИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ҳаммаси инсон учун

Пахтачи тумани маркази — Зиёвуддин шаҳарчасида Ижтимоий кўнмака ва соғломлаштириш маркази очилди.

Бу ерда беморларга биринчи ёрдам кўрсатилади, даволалар ва соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек, марказда ёшларни касб-ҳунарغا ўргатиш бўйича курслар ҳам ташкил қилинди. Ҳозир бу курсларда 65 нафар йигит-қиз тикувчилик ва компьютер соҳаси бўйича билим олаётти.

**А. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Қатортолликлар қувончи

Ўтган ҳафтада Зангиота туманининг Қатортол қишлоғида «ULUG'BEK BAXT YULDUZI» агросаноат фирмасининг деҳқончилик маҳсулотларини қуриштириб, илгор технологиялар асосида илҳам ва бежирим шаклида қадқоқлайдиган шохобчаси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўндан зиёд киши ишга қабул қилиниб, ҳар бирига ўртача 120 минг сўмдан ойлик маош тайинланди.

Келгусида корхона тўла қувват билан ишга туширилган, маҳсулотларини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

**А. ҲАЙДАРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Кузги дон экишга бағишланди

Чимбой тумани деҳқонлари кузги ғалла экишга киришди.

Шу муносабат билан туманининг «Қизилўзақ» фермер ҳўжаликлари бирлашмаси даласида ўтказилган қўрғазмали семинар-кўнғашда Ташкентнинг Қораўзақ, Чимбой, Кейғайли ва Нукус туманлари ҳўкимлари, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган мутахассислар, фермерлар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Қорақалпоғистонда кузги бугдой экиш учун дала-ларни сифатли тайёрлаш, экиш мавсумида қатнашадиган техника воситаларининг узлуқсиз ишлатилиши таъминлаш, ёниги-мойлаш

**А. ОРТИҚБОЕВ,**  
ўзА мухбири.

## «16 ёш. Вояга етдик»

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззаб вилояти бўлими Кенгашининг байрамолди тадбирлари ранг-баранглиги билан катта-кичининг эътиборини тортмоқда.

Ўтган ҳафта давомида бўлиб ташаббус билан шаҳар кўчаларида «16 ёш. Вояга етдик» деб номланган тадбирлар ўтказилди. Ёшлар автоуловларга чиқиб, йўловчи ва ҳайдовчиларни байрам билан табриқлашди. Уларга совғалар улаштириш. Кўча ва хиёбонларда бўлиб ўтган қизиқарли томошалар кўнғок ракс ва кўй-қўшиқларга уланиб кетди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши аъзолари шаҳарда қатнайдиган жамоат автоуловлари ҳайдовчиларига мустақиллик тантаналари акс этган аудиокас-сеталар ҳадя эттишти.

**Б. САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси олдидан

Олдин хабар берганимиздек, ҳозир Сенатда навбатдаги ялпи мажлисга тайёрларлик ишлари давом этмоқда. Сенат аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган бир қатор қонунларни жиддий ўрганиб, ялпи мажлис муҳокамасига тақдим этишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ялпи мажлис кун тартибига киритилган. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзолари ушбу Қонунни муҳокама қилгандан сўнг, уни маъқуллаш учун Сенатнинг барча аъзолари ҳўқмига ҳавола этишни лозим деб топишди.

Биз мазкур қўмита аъзоси Абдурашид АЛТИЕВДАН ушбу Қонуннинг мақсади ҳақида киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида қисқача сўзлаб беришни сўрадик:

# РИВОЖЛАНИШДАГИ МУҲИМ ИМТИЁЗ

— Ушбу Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашнинг рағбатлантириш шартлари ҳақида»ги Фармони чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўрта моддадан иборат.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик субъектлари ўз ишлаб чиқаришини доимий равишда модер-

низациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш учун самарали рағбатлантириш омилини таъминини яратиб мазкур Қонуннинг асосий мақсадиридир. Қонун солиқ солишининг содда-лаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани ҳарид қилинган янги технология жиҳозлар қийматига тенг миқдорда, аммо солиқ солиш базасининг 25 фоизи-дан кўп бўлмаган миқдорда беш йил давомида қайтариш ҳўқуқини назарда тутадиган янги қисм билан тўлдир-илмоқда.

Ушбу имтиёз янги технология ус-қунаси ишга туширилган пайтдан эъти-боран навбатдаги солиқ ҳисоботи дав-рида қўлланилади. Шу билан бирга, янги технология усқунаси олинган (им-

порт қилинган) пайтдан бошлаб ўн йил ичида реализация қилинган ёки бош-қа шахта бепул берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши бе-кор қилиниб, имтиёз қўлланилган бу-тун давр учун ягона солиқ тўловини тўлаш мажбуриятлари қайта тиклани-ши қайб этилган.

Солиқ кодексига ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқ-да. Жумладан, солиқ солиниши керак бўлган даромадларни аниқлаш чоғида мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётии узоқ мuddатли суғурта қилиш бўйича суғурта муқофотлари суммасини жами даромаддан чегирли ташлашни назар-да тутадиган ўзгартишлар киритилмоқ-да. Шу билан бирга, корхоналар, му-ассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётии узоқ мuddатли суғурта қилиш бўйича ўз хо-

дими учун суғурта муқофотлари тўловига қўшимчалар, фуқаро-ларнинг иш ҳақи ва солиққа тортил-адиган бошқа даромадларнинг мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётии узоқ мuddатли суғурта қилиш бўйича суғурта муқофотлари тўлови учун йўналтириладиган суммалари жи-момини ҳисобга олишнинг зарурати даромадига киритилмаслиги назарда тутилмоқда.

Солиқ кодексининг «Солиқ солина-диган даромаднинг (фойданинг) ка-майитрилиши» деб номланган 32-мо-ддаси биринчи қисмининг амалдаги хатбошисидан юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади (фойда-си) инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайти-риш ва реконструкция қилишга, шу-нингдек Вазирлар Маҳкамаси қарори

**Юнус БУРОНОВ**  
тайёрлади.



жўш ураётди.

— Эътибор бўлган жойда ҳар қандай кишининг ҳам ўз ишига меҳри ортади, — дейди Хатирчи туманидаги «Истиклол»нинг 10 йиллиги фермер ҳўжа-лиги раҳбари Баҳрон Эшиқов. — Узимдан қиёс, фермер бўлган, мулкдорлик ҳиссини англаб етдим. Бу ҳам айнан эътибор самараси. Олаётган даромадимиз, кўз тегмасин, яхши. Энди аввалдан кўнғилга тутиб юрган ниётларимизни амалга ошираямиз.

Баҳрон фермер кейинги беш йилдан буён кам таъминлан-ган оилаларга ҳар йили 3-4 бошдан, жорий йилда эса 6

Юртбошимиз ўз ташрифи чоғида, шунингдек, Кармана ту-манида бўлиб, «Парда бобо», ва «Истиклол» фермер ҳўжа-ликлари раҳбарлари Ортак Су-вонов ҳамда Маҳмуд Норов би-лан суҳбатлашди. Бу учрашув бутун вилоят фермерлариға шижоат бағишлади. Эндиликда «Эл-2000», «Валиобод», «Ўзе-бекистон», «Тошботи бобо», «Лопат», «Шерзод», «Умирбек», «Сардор» каби қўллаб фермер ҳўжаликлари баракали ишла-моқда.

Вилоят деҳқонлари жорий йилда 40800 гектар майдонда жами 174 минг тонна ғалла етиштиришди. Шартнома маж-



## СЎЗ ВА СОЗ СЕҲРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Матнезар Абдулқўлов, Турон Али, Минайхон Жуманазарова, Рустам Мусурмов, Бахтиёр Генжабураев синга-ри ижодкорларининг маъруза-ларидан баҳраманд бўли-лар. Шунингдек, ўз асарла-рини ҳакамлар ҳайъати ҳў-мига ҳавола қилдилар. Пи-роверда, ёш қаламқашлар-дан нуқуллик Пўлат Утеиё-зов, урганлик Мансура Бек-чочова, элликқалилик Темур Давлатовларнинг шеър ҳамда ҳўжоялари юкка бақоланди. Уч нафар ёшга Мирзо Улуг-бек номидан Ўзбекистон Миллий университетининг олий адабиёт курсида тақ-сип олаш учун йўланма бе-рилди.

Анқуман доирасида ўпа-қилган ёш хонандларнинг О.Худойшўкуров номидаги бешинчи республика талло-ви ҳам иккун ва соз бораси-да янги-янгилар номларни каш-ф этди. Унда ёш хонандлар-нинг мумтоз мусиқачилики, макомчилик меросининг ва танқиди ҳўрф Отажон Худой-шўкуров тароналарини қан-чалик билиши, замонавий қўшиқларни маҳорат ила қи-лашга эътибор қаратилди.

Мазкур талловда Ўзбеки-стон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муллосар Рақоқов, Республика Бастакорлар уюшмаси Раис Рустам Аб-дуллаев, Қорақалпоғистон Бастакорлар уюшмаси раис-и Назимжол Мўхаммадин-ов, Ўзбекистон давлат кон-серваторияси профессори Матнезар Абдулқўлов ва баш-қалар ҳакамлик қилдилар. Ёш хонандлардан Нисомитдин Абдуллаев ва Бахтиёр Эш-ниёзов, эстрада ижрочилиги-да Озод Эшимбеков, ёш хал-қалар талловида Рисолат Абдукаримов, навқирон ба-хшлардан Замира Ибрагим-ова, ёш мусавир Азизбек Сайитқўлов, ёш халқаларда Кувондиқ Тоҳировлар голиб-деб топилди. Уларга муас-сислар, Ўзбекистон ва Қо-рақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Отажон Худойшўкуров номи-даги жамағат ҳамда Оллик-қалъа туман ҳўкимлигининг эсдалик совғини ва совғала-ри топширилди.

Анқуманда Қорақалпо-ғистон Республикасининг Жў-қорги Кенгаши Ражабов ишти-рок этди.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,  
Анвар САМАДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Навоий вилояти:

# ТУПРОФИ ЗАР, ЭЛИ БУНЁДКОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу йилги инвестиция дасту-ри асосида ишлаб чиқариш со-ҳасига НКМКни модернизация қилиш мақсадида ўз маблағи ҳисобидан 159,8 миллиард сўмлик Франциянинг «Сосети-Живерал» компаниясининг кре-дити ҳисобидан Кокпатас ва Дауғизтонда сульфид руда ба-засини қуриш учун 12830 мил-лион сўм маблағ ўзлаштири-лиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йили май ойида вилоят-га ташрифи чоғида билдирган фикрлари асосида Навоий ша-ҳар аэропортида салмоқли иш-лар амалга оширилди. Тўрт ки-лометрдан зиёд учиш-қўниш йўллари халқаро андозаларга мос равишда қуриб битказил-ди. Замонавий бошқариш ти-зимини бунёд этилди. Мурақаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражадаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учирлиш им-конияти яратилди.

Юртбошимиз бу галги таш-рифи чоғида, аввало, ушбу аэропортига келди. Олиб бори-ладиган реконструкция ва мо-дернизациялаш ишлари билан танишди. Шу аснода, аэропор-тининг янада кўркам ва ҳар то-монлама қўлай бўлиши учун зар-ур тавсиялар берди. Асосий эътиборини халқаро қатновани амалга оширадиган замонавий самолётларни жалб этишга, уларга юқори даражада техник ва сервис хизмати кўрсатишга қаратиш лозимлиги таъкидлан-ди.

Энг асосийси, бу ташриф э-улус кўнғилини шод айлади. Халқнинг тотувилиги ва фаро-новлиги устига кўтаринкилик бағишлади. Президент қадам қўйган жойларда бугун одам-ларнинг кўнғилларида ифтихор

бошдан қорамол берди. Қишлоқ йўллари таъмирлашга катта ҳисса қўшаётди. Ушбу мақсад-ларга сарфланган маблағ ўн бир миллион сўмни ташкил этди. Бундай саховатли инсон-лар воқоада кўп. Зеро, навоий-ликлар феъл-атвориди воҳа ҳўқудийда бағиреклиги, шу юртнинг заминиди бой ва са-



ховатлилик муҳассам.

— Қизилтепаги фермерлар давлатимиз раҳбарининг таш-рифини узоқ вақт эслаб қўриш-лари тайин. Айниқса, Бобожон Каримов раҳбарлигидаги «Зар-дон баракка ҳосил» фермер ҳўжалиги аъзоларининг қайфи-яти баланд, — дейди навоий-лик ҳамкасбимиз Баҳодир Эга-мов. — Жамоада 60 киши ме-ҳнат қилади. Улар бу йил дав-латта 146 тонна дон топши-рилди. Баракали ҳўсил фермер-ни савобли ишларга бошлади. У шу орада Ванғоза кўрғонга маҳалла идораси ва гузар қуриб берди. Аҳолининг иста-кларини инобатга олиб, сарта-рошхона ва озиқ-овқат дуко-нини ишга туширди. Янги қури-ладиган «Деҳқон бозори»га ҳам ўз улушини қўшиб қолмоқда.

ги, эртанги мақсадлари сари дадил қадам ташламоқдалар. Биласиз, Навоий қоракўли-лик соҳасида мамлакатда етак-чи ўринни эгаллайди. Вилоят қоракўлилик маҳсулот сифа-ти ва салмоғини мунтазам ошириш билан бир қаторда наслчилик ишларига ҳам жи-дий эътибор ила қара келиш-шапти. «Нурота», «Қизилқум», «Сарибел», «Кониқ» ва Абай номидаги наслчилик ширкат ҳўжаликларида қоракўл қўй-ларини янги турлари яратилди.

— Мустақилигимизнинг 16 йилли байрамини қоракўли-ларимиз муносиб ютуқлар би-лан қарши олмақдалар, — дей-ди «Қоракўл» акциядорлик жа-мияти раиси Ҳазрат Қўрбон-ов. — Улар қўзилаштиш мавсуми намунали яқунладилар. Қўзила-

ган 517 минг бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 104 тадан қўзи олиб, шунинг 87 фоизини ўсти-ришга қолдирилди.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ва ҳўкуматимиз томо-нидан халқ таълими ходимлари ва ўқитувчиларга кўрсатилаёт-ган ғамхўрлик, эътиборни мак-таб остонасига қадам қўйёт-ган ҳар бир ўқувчи чўқур ҳис этиб ашаётди. Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йиллардаёқ Президентимиз раҳнамоликда қабул қилинган Қарорлар таъйирлаш Миллий да-стури соҳадаги ислоҳотларга қанот бўлди. Айниқса, Юртбо-шимизнинг «2004-2009 йиллар-да мактаб таълимининг ривож-лантириш Давлат умумийлиги да-стури тўғрисида»ги Фармони ва шу асосда қабул қилин-ган Вазирлар Маҳкамаси қаро-ридан сўнг жамиятда мактаб, ўқитувчи нуфузи янада ортди.

Бугун вилоятда 375 мактаб, 163 мактабга таълим муас-сасалари ишлаб турибди. Ҳозиргача 9 та янги мактаб қурилиб, фойдаланишга топши-рилган бўлса, 40 таси тубдан таъмирланди. Яна 88 та мак-таб капитал, 70 та мактаб ж-дий таъмирдан чиқарилди. Эн-диликда бу мактаблар шахару қишлоқларимизга кўрб бағиш-лаб турибди. Ўқув хоналарини қўрсангиз, ҳавасингиз келди. Барча жиҳозлар жаҳон андоза-ларига тўла жавоб беради.

Мактаб таълимининг ривож-лантириш борасидаги бундай ислоҳотлар тўғрисида ўқувчилар-нинг билим ва дунёқарашла-рида икбобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Улар фан олим-падалари ва фестивалларда, спорт ўйинларида маҳоратла-рини намойиш этмоқдалар. Ҳўкуматимизнинг қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини,



Муҳаммад АМИН (ўзА) олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

натijasида юртимизда истеъдодли ёшлар сафи кенгайиб бораётти. Жум-ладан, миллий санъатимизда ҳам ўз ово-зи ва улуғлига эга иқтидорларни излаб топил ва рағбатлантириш, уларнинг ке-йинги ижодига қанот бағишлашда «Ни-ҳол» муқофотининг ахамияти булакча. Мана етти йилдирки, мазкур муқофот ҳаққий иқтидор эгаларига насиб этиб келмоқда. Йилдан-йилга талабгорлар сифи ортиб бораётгани эса «Ниҳол» му-қофотининг нуфузига нуфуз қўшмоқда. Шундай қилиб, гулдўрос қарсақлар оғушида «Ниҳол»нинг 2007 йилдаги голиблари номи эълон қилинди. Унга кўра, ушбу муқофотта мусиқа ижрочи-

## ИҚТИДОРГА МУНОСИБ РАҒБАТ

лиги, опера, мумтоз қўшиқчилик, эстра-да, ракс санъати йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Усмирлар симфоник оркестри, Женисбек Пиёзов, Гулмира Чаварова, Мухаббат Қўрбон-ова, Ғиёс Облоқулов, Сарвиноз Қўрза-нова, Фарход Камбаров, Сарвиноз Анна-қулчова, Улғабек Муталўхжаев, Лазизбек Қўлчиев, Улғабек Раҳматуллоев, Дил-шод Имомалиев, Мавжуда Алимова ҳамда Шароф Муқомов лойиқ деб то-пилди. Нуфузли муқофотни Ўзбекистон халқ артистлари, танқиди санъат намо-яндалари, эл ардоғидаги бастакорлар қўлидан олган совриндорлар қувончига қувонч қўшилди.

— Бундай муқофот биз каби ёшлар-га туганмас илҳом ва қўч-ғайрат ба-

ғишлайди, — дейди «Ниҳол» — 2007 сов-риндори, ёш эстрада хонандиси Улғабек Раҳматуллоев. — Президентимиз-нинг ёш авлодга, истеъдодли йигит-қиз-ларга кўрсатаётган таъ-Шак-шўбасиз, бундай эътиборга муносиб бўлиш ке-ррак. Муқофотни қўлга киритган бошқа дўстларим қатори мен ҳам бундай эъти-рофини оқлаш, эл-юрта хизмат қилиш-ни ўзининг энг олий бурчим деб би-ламан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Ниҳол» муқофоти ёшларнинг ижод майдонидида баракали меҳнат қилишига, ўз иқтидори орқали ўзбек санъатини дунё-га олиб чиқишга катта туртки бермоқ-да. Бунинг самараси ўлароқ, ушбу сов-

риндорлар нафақат мамлакатимизда, балки хоржий давлатлардаги қўллаб нуфузи таловлар ҳам муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. «Ниҳол» билан тақ-дирланганлар орасида бугун «Ўзбеки-стонда хизмат кўрсатган артист» уно-вини қўлга киритган ёшларнинг борли-ги, шўбасиз, мамлакатимиз етакчили-гининг эртанги истиқболни қўзлаб, янги авлодга бемисл меҳр ила ғамхўрлик кўрсатаётганига далилдир.

«Ниҳол» — 2007 муқофотини топ-шириш маросимига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбо-сари Р. Қосимов иштирок этди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# ЖАҲОН

24 соат ичида

## Самолёт ёниб кетди



Хитойнинг «China Airlines» компаниясига қарашли «Boeing 737» самолёти Япониянинг Наха шаҳридаги аэропортга қўнганда сўнг

ёниб кетди. Унинг бортида 155 нафар йўлчи бор эди. Аэропорт вакилининг сўзларига кўра, ёнган бошланиши билан самолёт саломидаги барча одамлар эвакуация қилинган.

Хозирча ёнганнинг келиб чиқиш сабаблари номаълум. Дастлабки хулосаларга кўра, самолёт қўниши билан унинг двигателларидан бирида ёнган келиб чиққан бўлиши мумкин.

## Германиялик

### аёл озод этилди

Афғонистон полицияси Кобул атрофида ўтказган рейд натижасида гаровдаги германиялик аёл озод қилинди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакили ўтказилган махсус амалиёт чоғида аёлни гаровга олган жангарилар ушланганини таъкидлади.

«Ora International» христиан ташкилотиди ишловчи Кристина Мейер шанба кўни кечкурун Кобулдаги ресторандан биридан ўғирлаб кетилганди.

## Таъминотдаги тақчилликлар

Якшанба кўни Ғазо секторидидаги йирик электростанциялардан бирининг фаолияти тўхталди. Исроилнинг «Dor Alon» компанияси фаластинликларга ёниги хом ашёсини етказиб бериш бўйича масъул эди. Компания вакили Европа Иттифоқи талаби билан хом ашё етказиб бериш тўхтатилганини билдирди. Унинг сўзларига кўра, фаластинликлар қарзларини тўлагандан сўнг компания яна масъулиятни ўз зиммасига олади.



Станциянинг тўхташи туфайли 1,5 миллион аҳоли электр энергияси таъминотидан узилиб қолди. Олдинлар ҳам хом ашёнинг мунтазам етказиб бериламлиги туфайли электр таъминотида тез-тез узилишлар бўлиб турарди.

## Алоҳида давлат тузишмоқчи эмас

«ХАМАС» ҳаракати Ғазо секторидида алоҳида давлат тузишни режалаштираётгани йўқ. Бу ҳақда гуруҳ етакчиларидан бири Исмоил Ханья баёнот берди.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг июнь ойида «ФАТХ» ва «ХАМАС» ҳарбий бўлиналари ўртасида бошланиб кетган қуролли тўқнашувлардан сўнг «ХАМАС»чилар Ғазо секторидида назоратни тўлиқ ўз қўлларига олганди.

## «Аэрофлот» акцияларини қўлга киритди



«Дойче банк» «Аэрофлот» компаниясининг 8,8 фоизлик акциясини харид қилди. Шу пайтга қадар мазкур банк

нинг компаниядаги улуши 1 фоиздан ошарди, холос. Утган йили «Аэрофлот»нинг соф фойдаси 7,9 миллиард рублни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2005 йилдагидан 32,2 фоиз кўп демасдир. Компаниянинг 51 фоизлик акцияси давлатга тегишли, 30 фоизи эса Миллий захира корпорациясига қарашлидир.

## Жангарилар ҳужуми

Қуролланган жангарилар Эроннинг жануби-шарқидидаги йўллардан бирини эгаллаб, автомобилларга қарата ўқ узишган. Манбада айтилишича, улар 30 нафар аҳолини гаровга олганлар. Мамлакат полицияси воқеа жойини қуршаб турибди. Хозирча жангариларнинг талаби маълум қилинган йўқ.



## Зарарли ўйинчоқлар

Американинг «Mattel» ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи компанияси Европа бозорларидан айрим турдаги ўз махсулотларини қайтариб олаётган. Истеъмол масалалари бўйича Еврокомиссар

Меглен Кунев компаниянинг ўзи ўйинчоқлар болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатишини аниқлаб, уларни савдодан қайтариб олаётганидан қониқиб ҳосил қилганини билдирди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН ХОРИЖИЙ ОАВ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Би-би-си» корпорацияси (Буюк Британия) тарқатган хабарда Ўзбекистон давлати раҳбари Ислам Каримов конференциянинг бир гуруҳ иштирокчилари билан учрашув чоғида таъкидлаган мусулмон дунёсининг асосий вазифаларига, жумладан, мусулмон дунёси мамлакатлари ўртасида бирдамликни мустаҳкамлаш, камбағалликни камайтириш, таълим сифатини ошириш ва ислом кадриятларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

«Saudi Press Agency» ахборот агентлиги Тошкент ва Самарқанд конференцияларида Ислам Конференцияси Ташкилоти, Араб Давлатлари Лигаси ва ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларининг иштироки ислом цивилизацияси ривожига Ўзбекистон ўрнининг кенг эътироф этилишидан далолатдир, дея ёзади.

Саудия Арабистонининг «Ал-Жазир»

ра», «Уқоз», «Ал-Мадина» каби етакчи газеталари ҳам ушбу конференция ҳақидаги хабарларни эълон қилди. Жумладан, «Ал-Мадина» газетаси ўз саҳифаларида «Нодир ислом кадриятлари ва тарихий қўлэмаларига эга бўлган Тошкент Ислам маданияти пойтахти, деб топилди» сарлавҳали мақолани чоп этди. Унда таъкидланганича, Тошкентта бундай юксак номининг берилиши ўзбек халқининг маданият-тарихий ва диний кадриятларини қайта тиклаш ҳамда асраб-авайлаш ишида улкан муваффақиятларга эришаётганини тасдиқлайди.

Мисрнинг «Ал-Ахрам», «Ал-Ахбар», «Ал-Жумҳурия», «Ал-Масийя» каби маърузий матбуот нашрлари анжуман иши ва натижаларини кенг ёритди. Уларда чоп этилган мақолаларда қайд этилишича, тадбирда иштирок этган Араб Давлатлари Лигасининг Бош котиби Амр Мусо «Ушбу анжуман ўзбек халқининг бой маданий меросини жаҳон ҳамжамиятига кенг миқёсда етказиб беришга хизмат қилади», деб таъкидлади.

Миср матбуоти Амр Мусонинг Тошкент шаҳри 2007 йилда Ислам маданияти пойтахти, деб танлангани муносабати билан Ўзбекистон халқини табриқлагани ҳолда, ўз навбатида Самарқанд шаҳрининг ҳам келгусида ислом маданияти пойтахти номи билан аталishi мақсадга мувофиқ булар эди, деган фикрини ўқувчилар эътиборига ҳавола этди.

«Франс пресс» ахборот агентлигининг ёзишича, анжуман иштирокчилари — таниқли исломшунос олимлар, дин, сиёсат ва жамоат арбоблари Ўзбекистоннинг кўп асрлик маданияти мусулмон цивилизациясининг ривожидида аҳамиятини тасдиқлашди. «Франс пресс» берган баҳога қараганда, ўтказилган тадбир ислом цивилизацияси ривожига ўзбек халқи қўшган бебаҳо ҳиссанинг аҳамиятини намоян этди. Агентлигининг таъкидлашича, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон қадим замонлардан буюн Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғловчи мустаҳкам кўприк ва-

зифасини ўтаб келган. Бундан ташқари, Ўзбекистон мустақиллиги йиллари давомида Самарқанд ва Бухорода қайта тикланган ёдгорликлар ҳақиқатан ҳам ислом цивилизациясининг гавҳарларидир.

Россиянинг «REGNUM» ахборот агентлиги ўз шарҳида таъкидлаганидек, тарихий воқеа номини олган ушбу анжуман Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссанинг яққол тасдиғи бўлди.

Москва Давлат университети ҳузуридаги собиқ шўролар ҳудуди ижтимоий-сиёсий жараёнларини ўрганиш бўйича ахборот-таҳлил маркази ўзининг интернетдаги саҳифасида ушбу марказ директори ўринбосари А.Власовнинг «Ўзбекистоннинг янги имижини» сарлавҳали мақоласини эълон қилди.

Унда таъкидланганидек, Тошкент ва Самарқанд учрашувлари конференция иштирокчиларида ислом фалсафаси, маданияти ва аъёнларини ўрганишчи асосий марказлар ўртасидаги маъ-

навий алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, минтақада ва жаҳонда бугунги ислом ҳолатининг энг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш юзасидан самимий иштакларини намоян этди.

Мақола муаллифларининг таъкидлашича, турли кўлар нуфузли жаҳон динларидан бирига пулур етказишга уринибатган бир пайтда алоҳида аҳамият касб этадиган исломнинг тинчликпарвар ва баргикенглик имижини қайта тиклаш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг сазй-ҳаракатларини тадбир қатнашчилари бир овоздан ихобий баҳолашди.

Хорижий оммавий ахборот воситалари шарҳларида Тошкентнинг Ислам маданияти пойтахти мақомига муносиблиги ҳақидаги фикрларга алоҳида эътибор қаратилган. Уларда «Ўзбекистонда ислом маданиятини ривожлантириш, баргикенглик тамойилларини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар олаб боришмоқда», деб таъкидланди.

Маъруз мақолаларда ёзилишича, Тошкентнинг Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ҳамда ушбу нуфузли халқаро анжуманнинг муваффақиятли ўтиши ислом цивилизациясида Ўзбекистоннинг маданий ва маънавий мероси муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Жамшид МУТАЛОВ «Жаҳон» АА.

Яқинда Парижда «Алишер Навоий муаммолари» номли китоб нашр этилди. Уни француз тилига Тошкентдаги Марказий Осбийн ўрганиш француз институти директори Реми Дор таржима қилган.

## НАВОИЙ АСАРЛАРИ ФРАНЦУЗ ТИЛИДА

Ушбу китоб таржимасида кўчонлик адабиётшунос Лутфуллаҳон Зоҳидовнинг Алишер Навоийнинг «Рисолаи-муфратод» ҳамда бундан 20 йил аввал нашр қилинган «Алишер Навоий ижодида «муаммо» жанри» рисоласи асосий манба ролини ўйнаган. Француз олими бобомизнинг форс тилидаги «Девони Фоний» асаридан жой олган «муаммо»ларни талқин қилишда ҳам Л. Зоҳидов таржимасидан фойдаланган. Таржима асарда «Наводируш-шабо» девонидидаги «муаммо»ларнинг кўпи кўчонлик устоз-олим томонидан

ечилгани таъкидлаб ўтилган. «Муаммо» ениш амалларининг учта хили, ун беш қоидаси, 48 та услублари батафсил баён этилган. Китобнинг бир боғида «Девони Фоний», «Рисолаи Муфратод» ва «Наводируш-шабо»дан олинган юзга яқин «муаммо»ларнинг асл матни билан французча таржималари ёнма-ён келтирилган. Уларнинг ўзбекча таржимаси лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алифбосида берилганлиги эътиборга сазовор.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

**Аҳоли ва харидорлар диққатига!**

Аҳолининг мева-сабзавот, полиз махсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида

**«ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ»**  
ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БИНОСИДА

**25 – 30 август кунлари республика фермер ва деҳқон хўжаликларидида етиштирилган қишлоқ хўжалик махсулотларининг САВДО ЯРМАРКАСИ ўтказилади.**

Ушбу ярмаркада қишлоқ хўжалик махсулотлари, шу жумладан, хўл мева, картошка, пийёз, тухум, гуруч, полиз ва гўшт махсулотларини харид қилишингиз мумкин.

Ярмарканинг иш тартиби соат 9.00 дан 19.00 гача. Манзил: Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй.

**Ярмаркага марҳамат!**

«ЎЗУЛГҲУРИСАВДОИНВЕСТ» УОШМАСИ.

**КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ХИВА КАРПЕТ» КЎШМА КОРХОНАСИ**

СТИР 203613874, ХХТУТ коди 17121, ҳуқуқий манзили: Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 7-уй, Хоразм вилояти Хўжалик судининг №22-05.03-3048-сонли иш бўйича 2007 йил 10 август кўни қабул қилган Хал қилув қарори билан банкрот деб топилган ва қарздор корхонага нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Хоразм вилояти Хўжалик судининг Хал қилув қарори билан тугатиш бошқарувчиси этиб Ф.Жуманиязов тайинланган.

Кредиторларнинг йиғилиши 2007 йил 30 август кўни соат 16.00 да «Хива Карпет» кўшма корхонаси мажлислар залида ўтказилади.

Кредиторларнинг қарздорга талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан қўйидаги манзилда қабул қилинади: Хоразм вилояти, Хива ш., Обводная к., 7-уй, «Хива Карпет» кўшма корхонаси. Телефон: 8 (362) 375-95-75. Факс: 8 (362) 375-95-75.

Кредиторлар талаблари мазкур эълон чиққан кўндан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАШ ДАСТУРИ**

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ёш оилаларни имтиёзли шартларда ипотека ва истеъмол кредитлари билан таъминламоқда.

Миллий банкнинг мамлакат барча ҳудудларидаги бўлиmlарида маслаҳат бериш телефонлари ишлаб турибди:

Тошкент ш. — (371) 144-35-69; 144-95-56

Вилоят бўлиmlари:

Қорақалпоғистон Республикаси: (361) 780-00-06 (374) 224-69-37 (365) 223-69-57

Бухоро вилояти: (372) 222-38-26

Жиззах вилояти: (375) 221-15-22; 221-01-08 (436) 227-85-15

Қашқадарё вилояти: (369) 226-23-85

Навоий вилояти: (366) 233-38-79

Наманган вилояти: (37622) 2-84-21

Самарқанд вилояти: (3672) 25-06-22

Сурхондарё вилояти: (371) 152-77-19

Сирдарё вилояти: (373) 224-85-24

Ташкент вилояти: (362) 226-26-44; 224-22-43

Фарғона вилояти:

Хоразм вилояти:

**МИЛЛИЙ БАНК БИЛАН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ!**

**«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚҚ**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб қўшма корхона ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида

ишлаб чиқараётган махсулотларига ўз тарихида мисли кўрилмаган даражада куйидаги


**ЧЕГИРМАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Барча турдаги пластмасса махсулотларига **30% дан 50% гача.**

Сополдан ишланган махсулотларга **30% гача.**

Юқори бадий чинни махсулотларига **20% гача.**

Матодан ишланган сунъий гулларга **30% гача**



**Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Марғилон "Буюк ипак йўли"даги энг қадимий йирик шаҳарлардан бири бўлган. Шу сабабли, бу ерда хунарманчилик ривожланган. Аслида бу маскан азал-азалдан моҳир тўқувчилари, куллар, заргарлари мискарлар, косиблар, кўнчилар, каштачилари билан донг таратган. Зеро, миллий хунарманчилик нафақат тирикчилик ўтказиш воситаси, айна пайтда, у миллий ўзликини англашга куч сифатида намоён бўлиб келган. Ҳатто, маҳаллаларнинг номлари ҳам бирон-бир касб номи билан аталган: Мискарлик, Пўстиндўз, Йўрмадўз, Милтиқсоз, Кўнчилик, Гулавардор ва ҳоказо...**

# АДАБ ШАҲРИ, ОДАМИЙЛИК ФАҲРИ

Марғилон, шунингдек, энг аввало, ўз ипак газламалари билан машҳурдир. Бу шаҳар аҳли қадимда хитойликлардан пилла етиштиришни ўрганиб, ипак газламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, ўз навбатида, хитойликлар бу ҳудуд аҳолисидан узум ва беда етиштиришни ўзлаштирган ҳамда йилкичиликни йўлга қўйишган. Жаҳон бозорига ипак газламаларга эҳтиёжнинг охири бориши Марғилон аҳолисининг ипакчилик касбига бўлган илҳосини тобора кучайтирган.



XIX асрдан бошлаб жаҳонда ипак газламалар бозори чақон бўлиб кетди. XX асрда эса Марғилон ипак маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг энг муҳим марказларидан бирига айланди. Нафақат турли номларда атлас ишлаб чиқариш, балки шойи газламалар тўқиш ҳам йўлга қўйилдики, улар Россия, Хиндистон, Италия, Малайзия, Бельгия, АКШ ва бошқа мамлакатлардаги халқаро кўргазмаларда олий ўринларга муносиб кўрилди.



Марғилон санъаткорлар юрти сифатида ҳам тилга олинади. Бу бежиз эмас. Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Усмон қизиқ, Сулаймон қизиқлар, Мадали ҳофиз, Уста Олим, Муҳиддин қори, Муҳаррамаҳоним, Тамараҳоним, Саодатҳоним, Берталоҳоним, Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов ва бошқа ўнлаб санъаткорлар ушбу хунарманчлар шаҳридан етишиб чиққан. Баъзан Марғилондаги тўйларда санъаткор томошабинга, томошабин эса санъаткорга айланади-қоладики, бунга ҳайратланмасам ҳам бўлади. Санъат тадқиқотчиларининг айтишича, "Тановор" йўналишидаги ашуллалар ва уларнинг куйлари Марғилон косибларининг иходида тааллуқли экан. Яъни, пойабзалчи усталар терининг энг текис, чиройли жойини "тановор" деб номлашган, дейишади.

Ўзбек халқида хос меҳнат-севарлик, оилапарварлик, меҳмондўстлик, баржикенглик, камтарлик, мардлик, камсуханлик марғилонликларда ўзига хос равишда намоён бўлади. Шу ўринда бир воқеа эсга тушади. Тошкентда яшайдиган бир оила Андижонга яқинларининг тўйига кетаётган экан. Машинадаги чақалоқ безовта бўлаверибди. Шунда йўловчилар Марғилонга кирaverишдаги хонадондан иссиқ сув сўрашибди. Кўярдақўймай, хонадон соҳиби ташқарида, машинада

турганларни ҳам уйга таклиф қилибди. Меҳмонлар ўзларига шунчалик илтифот кўрсатганликлари учун миннатдорчилик билдириб турмоқчи бўлганлариди, хонадон келини ошни дамлаётган экан. "Узоқ йўлдан келяпсизлар, меҳмонлар, Андижонга анча йўл бор, бир чўқим ош еб кетинлар!" деб чин дилдан илтимос қилибди хонадон бошлиғи. Бундай муносабат фақат манфаат юзасидан муомала қилишга одатланган базми кишиларга эриш тўғрисида, аммо ўзбекларда қадимдан аънаънага айланган бундай одамгарчилик одатий ҳол саналади. Севимли шоиримиз Йўлдош Сулаймон Марғилонли "Адаб шаҳри" деб таърифлагани бежиз эмас. Унингча: "Марғилоннинг файзи ўзга, нур қўшади ҳар бир сўзга. Адаб шаҳри, зиё шаҳри, одамийлик шону фаҳри!".

Жаҳонда Россияда чиқадиган газеталардан бирида Ўзбекистонга саёҳатга келган аёлнинг мақоласини ўқиб қолдик. Маълум бўлишича, у Фарғонанинг шаҳар ва қишлоқларида бўлганида, одамлардаги беғараз меҳмондўстлик, улардаги самимиятдан ниҳоятда таъсирланган экан. Хурсандчилигини ичига сиғдирма олманган аёл ўз таассуротлари ҳақида шундай ёзади: "Шунчалик меҳри дарё одамлар ҳали ҳам дунёда бор экан, оламни ҳар қандай бало-офатлардан сақлаб қолиш имконияти мавжуд".

Иброҳим КАРИМОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор.


## Ёш оилалар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги № УП-3878-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Акциядорлик тижорат «Турон» банки томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида қуйидаги мақсадлар учун кредитлар ажратилмоқда:

**МИКРОКРЕДИТЛАШ** — оилавий бизнесни шакллантириш учун.

**ИПОТЕКА КРЕДИТИ** — уй-жой сотиб олиш, қуриш ва таъмирлаш учун.

**ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ** — уй-жой жиҳозлари, маиший техника ва мебель сотиб олиш учун.



## АТ «ТУРОНБАНК»

Қўшимча маълумотлар учун АТ «Турон» банки таркибий тизимининг қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

Бош офис: 144-32-52

- |                            |                      |
|----------------------------|----------------------|
| <b>Миробод филиали:</b>    | 150-10-10, 150-10-20 |
| <b>Андижон филиали:</b>    | 114-65-79            |
| <b>Навоий филиали:</b>     | (43622) 4-21-09      |
| <b>Зангиота филиали:</b>   | 150-20-25            |
| <b>Гулистон филиали:</b>   | (36722) 7-22-64      |
| <b>Фарғона филиали:</b>    | (37322) 4-06-17      |
| <b>Бухоро филиали:</b>     | (3652) 24-35-16      |
| <b>Наманган филиали:</b>   | (36922) 6-25-46      |
| <b>Олот филиали:</b>       | (3653) 42-10-37      |
| <b>Сурхондарё филиали:</b> | (37622) 7-47-86      |
| <b>Шаҳрисабз филиали:</b>  | (37552) 2-50-70      |
| <b>Бўка филиали:</b>       | (37157) 3-62-30      |
| <b>Жиззах филиали:</b>     | (372) 222-21-98      |
| <b>Нукус филиали:</b>      | (36122) 4-11-43      |
| <b>Самарқанд филиали:</b>  | (3663) 33-51-65      |
| <b>Хоразм филиали:</b>     | (36222) 5-45-17      |
| <b>Қарши филиали:</b>      | (37522) 6-04-70      |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

МОЛИЯ ВА КРЕДИТ; ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ; БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ; АУДИТ ВА БОШҚА МУТАХАССИСЛИКЛАР


бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган, Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган

### ИҚТИСОДЧИЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ишга қабул қилишда чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган ва банк тизимида иш стажига эга бўлган мутахассисларга устулик берилади.

Мурожаат учун телефонлар: 112-60-65, 112-60-64.

## ЭЛЕКТРОН ГАЗ ҲИСОБЛАШ УСКУНАСИ



Ташкилот замонавий компьютерга уландиган, соатига 25 м³ дан 2250 м³ гача ўлчайдиган турли хил электрон газ ҳисоблаш ускуналарини сотади.

Маҳсулот сертификатланган.

Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчаси, 16-«А» уй, «Харакатгаз Технолоджи» МЧЖ. Телефонлар: 183-66-88, (8 370 71) 5-59-87, 5-62-27. Факс: (8 370 71) 5-61-73. E-mail: barakat\_2004@mail.ru

## ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

<b>GAZ-3221</b> Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли	<b>GAZ-31105, «ВОЛГА»</b>	<b>GAZ-33023 «Фермер»,</b> юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли	<b>GAZ-32214 (4x4)</b> «Тез ёрдам»
<b>GAZ-3307, 40 та</b> газ баллонлари ташувчи	<b>GAZ-2705, 7 ўриндиқли</b> металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли	<b>GAZ-3309 Турбодизель</b> юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли	«ОМСКИНА» ОАЖ АВТОШИНАЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТИЛАДИ.
<b>GAZ-3307</b> Автовакуатор	<b>GAZ-3302, нон ташийдиган,</b> лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли	<b>ТУЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА</b>	

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш. «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.  
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари:  
126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

**www.solar-ct.com** ЯШАШ УЧУН SOLAR MASTER ВАГОНЧАЛАРИ

- автономлик (узок ва бориш қийин бўлган жойларда фойдаланишда қулай)
- мобиллик (ташиш ва монтаж қилиш осон)
- унумлилик (яшаш, ошхона, офис, санитария-гигиена хонаси сифатида фойдаланиш + ичини алқоҳида жиҳозлаш)
- қудайлик (иссиқликни сақлаш, хавфсизлик)

Кўёш ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚўЛЛАШ  
Кўёш энергияси билан электр қуввати ишлаб чиқариш, ёритиш ва суви иситиш учун

Тел./факс: (+99890) 327-48-39, (99871) 54-77-19.  
E-mail: info@solar-ct.com

Республика Маънавият тарғибот маркази маънавий-маърифий тарғибот бўлими мудири Зиёда Гафоровага отаси

**Насриддин ҒАФФОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.

«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» - «Экономический вестник Узбекистана» журналлари бирлашган тахририят ижодий жамоаси журналининг Бош муҳаррири

**Вадим Иванович СИРОТИН**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдарлик билдиради.

<b>Халқ сўзи</b> Народное слово	<b>Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ</b>	Газета тахририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жампед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева. Навбатчи — М. Окунова. Мусахҳас — М. Ёкубова.
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр илҳоси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2	Телефонлар: Газетхоналар билан алоқа ва минахоналар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.	«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲўА якуни — 21.45 Тошхирлиди — 22.00 2 3 4 5 6